Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши
12 ЯНВАРЬ 1970 й.
ДУШАНБА
№ 9 (1075).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ЖАҲОНГА

МАШИНАЛАР — ЖАҲОНГА

Экскаватор заводи коллективи янги «Э-304В» маркали қудратли машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ҳозирденоқ бу машинанинг ишқибозлари кўпайиб боряпти. Чехословакия ва Польша республикаларидан ана шу машинадан тайёрлаб бериш ҳақида буюртма олинган эди.

Бугун

2 та қудратли экскаватор шу адреслар бўйлаб жўнатилди.

Шу билан корхонада юбилей йили экспорти ишлари бошланди. Машинасозлар Гвинея, Венгрия каби мамлакатларга ҳам машиналар юборадилар.

Бу дугоналар Тошкент пиллакашлик фабрикасининг пилла саралаш цехида унумли меҳнат қилиб кунлик топшириқларни 120-130 процент адо этмоқдалар.
СУРАТДА: М. Қурбонова ва М. Ҳусанова.

ТОШКЕНТ ИШЧИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

Рўзғор холодильниклари заводи ва «Юлдуз» фирмаси коллективларининг мурожаати

Бугун

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИГАН МУБОРАК САНАГА ЮЗ КУН ҚОЛДИ.

Ана шу шонли санани муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган Тошкент меҳнатчилари ленинча зарбдор вахтада туриб ишламоқдалар. Шаҳримиздаги 1-пойафзал фабрикаси ва «Компрессор» заводининг ишчилари 1969 йил 1 декабрдан бошлаб ленинча зарбдор юз кунлик эълон қилдилар.

Уларнинг бу қимматли ташаббусига шаҳримиздаги қурилиш ва транспорт, асбобсозлик ва озиқ-овқат саноати хизматчилари, Ўзбекистон пойтахтининг ҳамма меҳнаткашлари тўла қўшилмоқдалар. Шу билан бирга завод ва фабрикаларда, қурилиш, ишлаб чиқариш ва транспорт ташкилотларида ленинча Юбилей йили Фахрий Ёрлиғини олиш учун социалистик мусобақа қизиб кетди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига авж олдирилаётган социалистик мусобақалар асосида янгидан-янги ватанпарварлик ҳаракати ва ташаббуслари кенг қанот ёймоқда. Шаҳримиздаги қатор ишчи коллективларининг хизматчилари тўрт ойлик план топшириқларини шу йилнинг 22 апрелига бажариш, беш йиллик топшириқни эса октябрь—ноябрь ойларида адо этишга қарор қилди.

Бугун газетамизда рўзғор холодильниклар заводи ва «Юлдуз» фирмаси ишчи коллективларининг янги ватанпарварлик ташаббуси эълон қилинмоқда. Бу қимматли ташаббуснинг шаҳримиздаги бошқа корхоналарда ҳам зўр мамнуният билан кутиб олинишига шак-шубҳа йўқ.

Сиз суратда кўриб турган «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чеварлари: (чапдан) Мавлуда Шоназарова, Эмма Рябчуновалар, шунингдек, слесарь Раҳим Мирзаев беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб, ҳозир 1971 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Ильич юбилейига

Шу йил 22 апрелда Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 100 йил тўлади. Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари ўзларининг меҳнат туҳфаларини пролетариат доҳийси юбилейига бағишламоқдалар. Биронта ҳам корхона йўққи, у ерда бошланган ватанпарварлик иши ва новаторларнинг дадил ташаббуслари Ильич номи билан боғланмаган бўлсин.

Ўтган йили шаҳримизда кўпгина ажойиб ташаббуслар бошланди ва қизғин маъқулланди. **Беш йиллик шахсий топшириқни 1970 йил 22 апрелгача бажарайлик!** — Тошкентлик беш Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Йўлдошева, Б. Қодиров, Ҳ. Қорабоев, Ҳ. Қосимов ва Н. Удалова шаҳар саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотларининг ишчиларига қарата очиқ хатларида шундай мурожаат қилдилар.

Маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш ва биринчи тақдимдаёқ топшириш юзасидан саратовликлар бошлаб берган метод тошкентлик ишчилар томонидан қизғин маъқулланди ва амалда тадбиқ этилди.

«Қизил тонг» тикув фирмасининг коллективи республиканинг барча меҳнаткашларига қарата: **«1970 йил 11 апрель куни В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган Коммунистик шанбаликка ҳаммамиз бир кишидек чиқайлик!»** дея мурожаат қилди.

Янги йил эндигина бошланса-да, лекин у Ўзбекистон меҳнаткашлари томонидан муносиб нишонланди. Икки коллектив — Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли металлургия заводи билан Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Шонли санага тобора яқинлашяпмиз. Унга саноқли кунлар — календарда 100 кун қолди. Рўзғор холодильниклари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ана шу юз кунни ленинча зарбдор кунлар, деб эълон қилдилар.

Коллектив тўрт ойлик ишлаб чиқариш планини 22 апрелда бажаришга қарор қилди. Меҳнатчилар ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

Холодильниксозлар ўтган йили ажойиб ютуқларга эришдилар. Улар йиллик планга қўшимча икки ярим мингта «ОАЗИС-2» холодильниги ишлаб чиқардилар ва планга қўшимча 465 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Завод меҳнаткашлари 1970 юбилей йили учун ҳам ўз жанговар программаларини белгилаб олдилар.

Тошкент рўзғор холодильниклари заводининг коллективи социалистик мусобақани тобора қизитиб, ички резервларни ишга сола бориб, **беш йиллик топшириғини 7 ноябрда, 1970 йил планини 25 декабрда бажариш мажбуриятини олди. Планга қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.**

Корхонада катта ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирлар қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришга, меҳнат унумдорлигини 1969 йилда эришилган даражага нисбатан 23,4 процент оширишга қаратилгандир. Масалан, холодильниклар эшигини тайёрлайдиган ва йиғадиган иккита конвейер линия ўрнатиш, холодильник шкафида қобирға ҳосил қилувчи ярим автоматни лойиҳалаш ва тайёрлаш, эшик қирқадиган махсус пресс, шунингдек, холодильникларни синаб кўрувчи конвейер ўрнатиш белгиланди. Деталлар тайёрлашда пластмассадан кенг фойдаланиш кўзда тутилди.

Техника тараққиёти йўлидаги ана шу ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқаришда 40 минг сўм тежашга ёрдам беради. Булардан ташқари, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан 25 минг сўм иқтисодий фойда кўриш кўзда тутилмоқда. Корхона 100 минг киловатт-соат электр энергия, 20 тонна шартли ёнилғи ва 30 тонна қора металл тежайди.

Заводимиз коллективи бу йил реализация қилинадиган бир неча миллион сўмлик маҳсулотларини фақат биринчи сортда ишлаб чиқаришга сўз беради. Завод коллективи Тошкент шаҳрининг барча меҳнаткашларига қарата: **22 АПРЕЛДА — ТЎРТ ОЙЛИК ПЛАННИ, 7 НОЯБРДА —БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРАЙЛИК. 1970 ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИ АЖОЙИБ ИШЛАРИМИЗ БИЛАН НИШОНЛАЙЛИК. МЕҲНАТДА ЭРИШГАН БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗ ИЛЬИЧ ЮБИЛЕЙИГА МУНОСИБ ТУҲФА БЎЛСИН!** деб мурожаат қилади.

Завод коллективи номидан:

И. ТАГИРОВ,
рўзғор холодильниклар заводининг директори;
Г. БОГОМОЛОВА,
партия ташкилотининг секретари,
Л. ПЕРИНА,
завод касаба союз комитетининг раиси,
А. БУДОВ,
комсомол ташкилотининг секретари.
Г. ПАРФУНЦЕВ,
В. ЕФИМОВ,
А. МУМИНОВ,
ишлаб чиқариш илғорлари.

СУРАТДА: рўзғор холодильниклар заводининг синаш участкасида конвейердан янги чиққан холодильникларни синаш пайти.
М. Нуриддинов фотоси.

Юксак бурчимиз

Севимли Ильичимизнинг номи ҳар бир совет кишиси учун жуда яқиндир. Мамлакатимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини тантанали нишонлашга катта тараддуд кўрмоқда. Саноат корхоналарининг коллективлари эса ана шу улуғ санани муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга аҳд қилган.

«Юлдуз» фирмасининг чеварлари ўтган 1969 йилда баракали меҳнат қилдилар. Корхона томонидан пландан ташқари 1 миллион 258 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу — 1077 та эркаклар ва 2070 болалар костюми, 604 та эркаклар шими, 3124 та кўйлак ва 2157 та мактаб формалари республика савдо тармоқларига етказиб берилди, деган сўздир.

1970 йил коллективимиз олдига янгидан-янги вазифаларни амалга оширишни — маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳар бир участка, цех, корхонанинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш вазифасини қўйди. Ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий этиш, резервлардан ўз ўрнида фойдаланиш — ютуқлар гаровидир. Жумладан, яқин вақтлар ичида фирмамизнинг бирнечта цехларида буюмларни тикишда қўлланиладиган янги технологик конструкциялар жорий этилади. Бу билан кўпгина машаққатли жараёнлар механизация елкасига юкланади. Техника тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ҳар бир тадбир меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ленин!.. Биз юракдаги муҳаббатимизни, ижодий ташаббусимизни, зарбдорларча меҳнатимизни унга бағишлаймиз.

В. Плетнева ва тошкентлик беш Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг ташаббусига қўшилган «Юлдуз» фирмасининг 700 ишчиси беш йиллик шахсий топшириғини адо этиб қўйди. Мингдан ортиқ ишчи эса шахсий топшириқни юбилей кунигача адо этади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЗИСЛАРИДАН ИЛҲОМЛАНГАН «ЮЛДУЗ» ФИРМАСИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ УЛУҒ ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИНИ ЯНА БИР МЕҲНАТ СОВҒАСИ БИЛАН КУТИБ ОЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ. ЧЕВАРЛАР ТЎРТ ОЙЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТОПШИРИҒИНИ 22 АПРЕЛГА БАЖАРИШГА УЛУҒ САНА НИШОНЛАН И ШИГА ҚОЛГАН ЮЗ КУННИ ЛЕНИНЧА ЗАРБДОР КУН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР.

Корхона коллективи ленинча Юбилей Фахрий Ёрлиғи учун ҳам мусобақани қизитяпти. УЛАР БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ 7 НОЯБРЬ — УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 53 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ КУНИГАЧА БАЖАРИШГА АҲД ҚИЛДИЛАР.

Юксак гражданлик бурчини тўғри тушунган «Юлдуз» фирмасининг ишчилари Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг барча ишчиларига:

«КЕЛИНГЛАР, ТЎРТ ОЙЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТОПШИРИҒИНИ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ — 22 АПРЕЛГА, БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ ЭСА 1970 ЙИЛНИНГ 7 НОЯБРИГА БАЖАРАЙЛИК», ДЕГАН ЧАҚИРИҚ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛАДИЛАР.

Коллектив топшириғига биноан:

Х. АБДУЛЛАЕВА,
«Юлдуз» фирмасининг директори.
В. АБАКОВ,
партия комитетининг секретари.
Е. ХРОМИНА,
ишчилар комитетининг раиси.
П. АБДУРАҲМОНОВА,
Е. НИКАШКИНА,
ишлаб чиқариш илғорлари, тикувчи-мотористкалар.

СССР космонавт учувчиси Павел Иванович БЕЛЯЕВ

Машҳур СССР космонавт учувчиси, космоснинг дастлабки забткорларидан бири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Павел Иванович Беляев оғир касалликдан сўнг 1970 йил 10 январда вафот этди.

П. И. Беляев 1925 йил 26 июнда Вологда областининг Рослятинский районидаги Челишево қишлоғида туғилди. Ўн йиллик мактабни тугатгандан сўнг, 1942 йилда заводга ишга кириб, аввал токарь, сўнгра тайёр маҳсулотни қабул қилувчи бўлиб ишлади.

Улуғ Ватан урушининг суронли даврида П. И. Беляев кўп минглаб тенгдошлари каби Совет Армияси сафига кўнгилли бўлиб киради ва авиация билим юртини муваффақиятли битиргандан сўнг империалистик Японияга қарши урушда қирувчи-учувчи сифатида қатнашади.

Урушдан сўнгги йилларда П. И. Беляев Ҳарбий Ҳаво Кучлари Тинч океан флотининг гвардиячи қирувчи авиация полкида хизмат қилади. Шу ерда у 1949 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кирди. У учувчи, катта учувчи, звено командири, эскадрилья командирининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилади.

1956 йилда П. И. Беляев Қизил Байроқли ҳарбий ҳаво академиясига ўқишга юборилади, уни битиргандан сўнг авиация эскадрильясига командирлик қилади. Қўмондонлик Павел Ивановичнинг шахсий фазилатларини юксак баҳолаб, 1960 йилда уни космонавтлар отрядига юборади. Бу ерда у космик техникани ўзлаштиришда зўр қатъият кўрсатди, кемаларнинг моддий қисмларини пухта ўрганди, уни бошқариш малакасини ҳосил қилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати 1965 йил мартида П. И. Беляевга «Восход-2» кемасида экипаж командири сифатида космик парвоз қилишни ишониб топширди. П. И. Беляев юксак ахлоқий ва иродалилик хусусиятларини, жасурлигини, мураккаб шароитда ишлай олишини кўрсатиб, бу масъулиятли топшириқни муваффақиятли бажарди. Парвоз давомида у инсоннинг кемадан жаҳонда биринчи марта космик бўшлиққа чиқишига раҳбарлик қилди. Полковник Беляев кемани бошқаришнинг қўл системасидан фойдаланиб ерга қўндирди. «Восход-2» кемасининг парвози космосни ўзлаштириш тарихида янги, ғоят муҳим саҳифани очди ва Совет Иттифоқининг космик шон-шуҳратини оширди.

Космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги учун Павел Иванович Беляевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилди ҳамда «СССР космонавт учувчиси» унвони берилди. Шунингдек, у Қизил Юлдуз ордени, кўп медаллар билан мукофотланган, бир қанча чет мамлакатлар мукофотларини олган.

Сўнгги йилларда Павел Иванович махсус билимини изчиллик билан такомиллаштирди, космонавтларни космосда парвоз қилишга тайёрлашда бевосита қатнашди.

П. И. Беляев социалистик Ватаннинг қизғин ватанпарвари, принципиал коммунист эди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив қатнашарди, раҳбар партия органларига, Моссовет депутатлигига сайланган эди, совет халқининг космосни ўзлаштиришдаги муваффақиятларини пропаганда қиларди. У меҳнаткашлар, ёшлар, армия ва флот жангчилари, чет эл жамоатчилиги олдида тез-тез сўзга чиқарди. Ҳамма уни сезгир ва меҳрибон киши, яхши дўст ва оилапарвар сифатида билар эди.

Коммунистик партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, космоснинг жасур ва шонли забткори, жанговар дўстимиз ва ўртоғимиз Павел Иванович Беляевнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шербицкий, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Л. В. Смирнов, А. А. Гречко, М. В. Келдиш, М. В. Захаров, И. И. Якубовский, А. А. Епишев, С. Л. Соколов, Н. И. Крилов, С. Г. Горшков, П. С. Кутахов, Е. М. Тяжельников, Н. И. Савинкин, И. Д. Сербин, Г. С. Титов, А. Г. Николаев, П. Р. Попович, В. Ф. Быковский, В. В. Николаева-Терешкова, К. П. Феоктистов, Б. Б. Егоров, А. А. Леонов, Г. Т. Береговой, В. А. Шаталов, Б. В. Волинов, А. С. Елисеев, Е. В. Хрунов, Г. С. Шонин, В. Н. Кубасов, А. В. Филипченко, В. Н. Волков, В. В. Горбатко.

СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ П. И. БЕЛЯЕВНИНГ КАСАЛИ ВА ВАФОТ ЭТИШ САБАБИ ТЎҒРИСИДА МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

СССР космонавт учувчиси полковник П. И. Беляев ошқозон яраси дардига чалиниб, шунинг оқибатида 1969 йил декабрида ошқозон ичагидан тўсатдан тез-тез қон оқа бошлади. Операциядан сўнг чарви томирларида тромбоз рўй бериб 12 бармоқли ҳамда ингичка ичаклари кўп жойи чирий бошлади, сўнгра қорин бўшлиғининг йиринглаши ҳаммаёққа тарқалиб кетди. Кўрилган ҳамма чораларга қарамай П. И. Беляев 1970 йил 10 январь, соат 00 дан 20 минут ўтганда умумий интоксикация, ўпка шиши ва юрак фаолиятининг тўхташи натижасида вафот этди.

СССР Мудофаа министрлиги Марказий ҳарбий медицина бошқармасининг бошлиғи, медицина хизмати генерал-полковниги Д. КУВШИНСКИЙ; СССР Мудофаа министрлигининг бош хирурги, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, медицина хизмати генерал-полковниги А. ВИШНЕВСКИЙ; профессор Г. ВИЛЯВИН, профессор Д. САРКИСОВ, СССР Мудофаа министрлигининг бош патологи-анатоми, медицина хизмати полковниги А. АПАТЕНКО.

АВТОМОБИЛЬ ПАРКИ

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИГИ

Чилонзор массивида аҳоли кўпайиб бораётганлиги сабабли йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишда қийинчиликлар туғилмоқда.

Транспорт хизматини яхшилаш учун массивда 7-автопарк қурилмоқда. 9-қурилиш трестининг 38-бошқармаси бунёдкорлари 5 гектар майдонни ташкил қиладиган паркнинг корпусларини қуриб бўлишди. Паркда 270 автобус жойлашади. Янги автопарк шу йилда ишга туширилади.

Бундан ташқари «Бешқайрағоч» массивида ҳам 18-автопарк қурилиши бошлаб юборилди.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ XII ЧАҚИРИҚ IV СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, Тошкент шаҳар Советининг XII чақириқ IV сессияси 1970 йил 15 январь эрталаб соат 10 да республика «Ёрлиғ» уйи (Киров кўчаси, 24) да чақирилади.

Сессия муҳокамасига қўйидаги масалалар қўйилади:

1. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1969 йилда қилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи.

2. Халқ хўжалигини ривожлантириш 1970 йил плани ҳақида.

Докладчи шаҳар план комиссиясининг раиси ўртоқ С. А. Харьковский.

3. Тошкент шаҳрининг 1970 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджети лойиҳаси ва 1968 йил бюджетининг ижроси ҳақида.

Докладчи Шаҳар Совети ижроия комитети молия бўлимининг мудири ўртоқ Р. У. Тўрақулов.

Қўшимча докладчи Тошкент шаҳар Совети бюджет-молия доимий комиссиясининг раиси ўртоқ С. А. Отабекова.

Депутатларни рўйхатга олиш 1970 йил 15 январь эрталаб соат 9 дан ўша бинонинг ўзида бошланади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

* * *

Матлуба Орипова 1965 йилдан буён Тошкентдаги хўжалик буюмлари заводининг гул солиш цехида унумли ишлаб келмоқда. Ўз касбининг устаси бўлган Матлубахон смена топшириқларини 110—120 процент бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: М. Орипова.

* * *

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Октябрь район ички ишлар бўлими коллективи жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш ва жамоат тартибини сақлашда катта ишларни амалга ошириб, аҳоли ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқда.

Шахсий состав орасида социалистик тартибни мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб борган ва хизматда юксак кўрсаткичларга эришган ходимлар кўпгина.

Милиция старшинаси Халил Ёқубов Совет Армияси сафидан қайтиб келгач, 1948 йили Октябрь район милиция бўлимига ишга кирди. У жамоат ишларида ўзининг меҳнатсеварлиги, ишчанлиги, ўткир зеҳнлиги билан тез орада кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Халил Ёқубов жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда актив қатнаша бошлади. Орадан ойлар, йиллар ўтди...

Кунларнинг бирида милиция старшинаси Халил Ёқубов колхоз бозорида айланиб юрган вақтида, тўсатдан тўс-тўполон чиқиб қолди. Бандитлардан икки киши меҳнаткашлар осойишталигини бузиб, жанжал кўтаришди. Албатта, қуролланган икки кишига қарши ёлғиз бир ўзи курашиши анча хавфли эди. Халил Ёқубов мардлик билан уларга қарши ташланди. Аммо, безорилардан бири унга қарши ўқ узиб, Халилни ярадор қилди. Шунга қарамай, Халил бошқа кишиларнинг кўмагида, уларни қўлга туширди. Текширишда маълум бўлишича, бу безорилар Точиев билан Совсанов деган шахслар бўлиб, кўп вақтлардан буён ҳеч каерда ишламай, безорилик билан шуғулланиб келишар экан. Албатта, безорилар жазодан қочиб қутула олмадилар.

Кўрсатган мардлиги учун старшина Ёқубов «Жамоат тартибини муҳофаза қилишдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотланди, ички ишлар министри эса уни 500 сўм пул билан тақдирлади. Халил Ёқубов бир неча марта мукофотлар, Фахрий ёрлиқлар олди, медаллар билан мукофотланди. У ҳозир милиция аълочисидир.

Милиция старшинаси Абдусалом Таваккалов ҳақида сўз борганида бўлимимизнинг ҳар бир ходими у ҳақда фахр билан гапиради. Абдусалом ҳам Совет армияси сафидан қайтиб келгач, Октябрь район милиция бўлимига ишга кирди. У дастлабки кунларда оддий милиционер эди. Сергайрат, ишнинг кўзини биладиган, эпчил йигит тез орада жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш ишига актив қўшилди. Мана, ўн етти йилдан буён у шу олижаноб иш билан банд.

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши актив кураш олиб борганлиги учун совет ҳокимияти ва совет милициясининг 50 йиллиги кунида Таваккалов Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. У милиция органларида кўп йиллар ҳалол ишлаб келганлиги учун учта медаль, ўн бешта Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди, ички ишлар министрлиги раҳбарлиги ва партия-совет органлари томонидан ўн бешта раҳматнома олди.

Кейинги вақтларда Октябрь район ички ишлар бўлимининг коллективи кўпгина қобилиятли ишчан кадрларни тарбиялаб етиштирди. Улар хизматда намуна кўрсатмоқдалар ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жамоат тартибини муҳофаза қилиш учун актив кураш олиб бормоқдалар. Айни вақтда ёш кадрларни тарбиялаш ишида бўлим раҳбарлигига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Милиция капитани Мансур Сераев ана шундай жонкуяр, меҳрибон устозлардан биридир.

Мансур ака 1947 йилдан буён ана шу бўлимда ишлаб келляпти. У йигирма йилдан буён взвод командири бўлиб, хизмат қиларкан, кўпгина ишчан, қобилиятли ёш милиция ходимларини тарбиялаб етиштирди. У бошчилик қилаётган взвод ва унинг тобелари жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича хизматни ҳушёрлик билан бажармоқдалар. Талабчан командир ўз ишини яхши билади. Шунинг учун ҳам милиционерлар унинг ҳаққонийлиги, софдиллиги, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан муносабатда бўлаётганлиги учун ҳурмат қилишади. Мансур ака шу йиллар орасида 13 та медаль ва кўпгина Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди, ҳозир бўлим партия бюросининг секретаридир.

Партия ва комсомол ташкилотлари раҳбарлигида ишлаётган бўлимимизнинг шахсий состави жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш ва содир бўлган жиноятларни очиш ишида ғайрат кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг ана шу даврига қараганда жиноятларнинг очилиши анча кўпайди, содир бўлаётган жиноятларнинг миқдори эса камайди. Жиноят қидирув бўлими ва ОБХСС ходимлари орасида, айниқса, жиноят қидирув бўлимасининг инспектори милиция лейтенанти Сайдалиев, ОБХСС старший инспектори милиция лейтенанти Дулдулов ўзларининг ҳозиржавоблиги билан алоҳида ажралиб турадилар.

Октябрь район территориясида Валерий исмли ўғри тўғрисида кўнгиллилардан оператив маълумот олинди. Жиноятчини қўлга тушириш учун зарур чоралар кўрилди. Бу иш Сайдалиевга юклатилди. Тадбирли милиция ходими тезда зарур чораларни кўрди ва орадан кўп ўтмай Валерийни қўлга туширди.

Текширишда маълум бўлишича, жиноятчининг асли номи Валерий Александрович Гапонов бўлиб, у 1950 йилда туғилган, 1965 йилдан буён ҳеч каерда ишламай гражданларнинг мулкини талаш билан шуғулланиб келган. Жиноятчи қиска вақт орасида бир неча гражданларнинг уйидан мол-мулкини ўғирлаганига иқрор бўлди. Шунга қарамай, милиция ходими Сайдалиев жиноятчи билан бирга воқеа содир бўлган жойларга бориб, аҳволни кўздан кечирди...

Бешта мураккаб жиноят кўп вақтдан буён очилмай келарди. Ўрток Сайдалиевнинг тадбиркорлиги, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилиши ва, айниқса, халқ кўнгиллиларининг ёрдамига таянган ҳолда иш олиб бориши натижасида 1969 йилнинг биринчи ярмидаёқ ана шу жиноятларнинг ҳаммаси очилди, жиноятчилар қўлга туширилди.

Бўлимимизнинг бундай муваффақиятларни қўлга киритаётганлигининг сири нимада? Аввало шуни айтиш керакки, бўлимимиз коллективи партия ташкилотининг раҳбарлиги остида ўз ишини планли равишда олиб бормоқда. Мамлакатимиздаги барча меҳнатсевар кишилар қатори бизнинг коллективимиз ҳам улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди ва ҳозирги кунда муваффақиятли амалга оширмоқда. Коллективимиз олдида содир этилган барча жиноятларни тўла-тўкис фош этиш, патруль —пост хизматини янада яхшилаш, жиноятчиликка қарши фидокорона кураш олиб бориш вазифаси турибди. Бўлимимизда ходимларнинг сиёсий активлигини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шахсий состав билан мунтазам равишда турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ходимларимизнинг сиёсий савиясини оширибгина қолмай, балки уларни бўлим олдида турган вазифаларни муваффақиятли равишда бажаришга сафарбар этмоқда.

Ф. ҚУРБОНОВ.

Октябрь район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

Социализм мамлакатларида

СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

БЕРЛИН. «Сен узоқ сафарга тайёрмисан?» — Ана шу масала ҳозирги пайтда Германия Демократик Республикасининг кўпгина саноат корхоналарида муҳокама қилинмоқда. Ишчилар, техниклар, инженерлар, олимлар ишлаб чиқаришни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, техника янгиликларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган проблемаларни кенг муҳокама қилмоқдалар.

Эрфуртдаги радио заводи ишчиларининг ташаббуси билан муҳокама бошланди. Бу заводнинг ишчилари Германия Бирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитети XII пленумининг қарорлари асосида иш кўриб, етмишинчи йилларнинг бошидаёқ социалистик мусобақада энг юксак натижаларга эришишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар.

ВХР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЮКСАЛМОҚДА

БУДАПЕШТ. Кейинги 10 йил ичида Венгрия қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар йили ўрта ҳисобда 4,8 процент ортди. Венгрия Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати министри Имре Димень ана шу соҳалар ходимлари йиғилишида шу тўғрида гапирди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрлаш 6 процент кўпайди, озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг 400 га яқин янги турлари ишлаб чиқарилди.

Министр қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил олинганлиги ўтган йили эришилган муваффақиятларнинг асосий омили бўлди, деб таъкидлади. Жамғариб қўйилган запаслар, деди И. Димень, мамлакатни ғалла ва ем-хашак билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек уларни экспорт қилиш имконини беради.

БОЛГАРИЯ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

СОФИЯ. Дастлабки маълумотларга қараганда, Болгариянинг тўқимачилик корхоналари 1969 йилда 332 миллион метр чит газлама, 24 миллион метр жун газлама ва 21 миллион метр шойи газлама ишлаб чиқарганлар. Тўқимачилик саноатининг ялпи маҳсулоти 1968 йилдагига нисбатан 10 процент кўпайди. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 40 метр ип газлама ишлаб чиқарилмоқда, ваҳолонки, иккинчи жаҳон уруши арафасида 5 метрдан сал кўпроқ газлама ишлаб чиқарилган эди.

Болгария Халқ Республикасининг ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлиги Болгария тўқимачилик саноатининг ривожлантиришнинг асосий омили бўлди. Болгария тўқимачилик саноати учун керакли машиналарнинг кўп қисмини Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва Чехословакиядан олмоқда.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТАРИХИЙ ТАЖРИБАГА ТАЯНИБ

БУДАПЕШТ. Ленин ва ленинизм рус ишчилар ҳаракатигагина эмас, балки жаҳон ишчилар ҳаракатига ҳам катта таъсир кўрсатди, деди Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Арпад Пуллан «Партэлет» журналининг мухбири билан суҳбатда.

Венгрия коммунистлари В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигини муносиб кутиб оладилар ва ленинизмнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда замонамиз масалаларини ижодий ҳал қиладилар, деб таъкидлади А. Пуллан.

(ТАСС).

РОБОТЛАРНИНГ НИМАСИ ҚУЛАЙ?

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири А. Жигулев хабар беради:

АҚШдаги катта автомобиль компанияси «Генерал моторс» робот машиналарнинг катта туркумини ишлаб беришни буюрди. Бу роботларнинг қўллари янги моделлардаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда «банд бўлади». «Детройт фри пресс» газетасининг ёзишича, масалан, компаниянинг Огайо штатидаги заводларида 60 дан ошиқ «темир Майкллар» яъни роботлар ўрнатилади. Сўнгра ёзилишича, 2 метрдан ҳам узунроқ «қўллари» бўлган ва махсус мосламалар билан ускуналанган «машина — одам» кўпгина ишлаб чиқариш операцияларида ишчи ўрнини алмаштириши мумкин.

«Генерал моторс», «Форд», «Крайслер» автомобиль компаниялари бир қанча йиллардан бери роботлар билан тажрибалар ўтказишмоқда.

Роботга бўлган талабнинг ошиши АҚШ автомобиль заводларида ишчиларнинг кўплаб бўшатилаётганлигига тўғри келиб қолганлиги ҳам тасодифий ҳол эмас. Робот ишлатилишининг фойдали томонларидан бири уларнинг «тирик» ишчи кучига нисбатан арзонга тушиши бўлса, корхона эгаларини қизиқтирувчи иккинчи бир фактор шундан иборатки, «Темир майкллар» Американинг миллион-миллион ишчиларига ўхшаб, иш ташламайдилар ва ўз ҳуқуқлари учун курашмайдилар.

САНТЬЯГО. (ТАСС). Шу йилнинг сентябрида Чилида Президент сайлови бўлмоғи керак. Сайловгача ҳали анча вақт бўлсада, мамлакатда сайлов олди кампанияси қизиб бормоқда. Ҳозир сўл кучлар президент лавозимига Чилидаги барча прогрессив партиялар билан ҳаракатларнинг манфаатларини ифодалай оладиган умумий ҳаракат қилмоқдалар.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ АРАФАСИДА

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган мажлиси ана шу масалага бағишланди. Мажлисда Чили Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси Орландо Мильяс нутқ сўзлади.

Коммунистлар ягона номзод қўйиш масаласида сўл партиялар ва ҳаракатлар ўртасида битимга келиш зарурлигини уқтириб ўтдилар. «Бирлашган куч-қувват билан умумий мақсадга эришиш ва реакцияни мағлуб қилишга эришмоқ... зарур» дейилади мажлис қатнашчиларининг баёнотида.

Чили Коммунистик ёшлар Союзи Компартияни қўллаб-қувватлаб чиқди.

Бельгияда кончилар забастовкаси

БРЮССЕЛЬ. Бельгиянинг Лимбург вилоятида жойлашган шахталарда банд бўлган кончилардан 18 минг киши иш ҳақи оширилиши тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаб бошлаган забастовкасини давом эттирмоқда. Иш ташлаганлар одилона талаблари қондирилмагунга қадар курашни давом эттиришга маҳкам бел боғлаганлар. (ТАСС).

КОНГО (КИНШАСА) АҲОЛИСИ

КИНШАСА. Аниқланган маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Конго (Киншаса) аҳолиси 20.564.489 кишини ташкил қилади. (ТАСС).

ЯНА ОТИШМА

ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикаси қуролли кучлари вакилининг бугун эълон қилинган баёнотида айтиладики, Исроил қўшинлари Абу-Ражим районида ўт очишни тўхтатиш чизиғида Сурия позицияларига қарата 7 январда пулемет ва минометлардан ўт очганлар. Сурия томони душманнинг ўтига жавоб ўти қайтарган. Отишма бир соат чамаси давом қилган.

Партизанлар ҳужуми

ДАМАШҚ. Бирлашган Фаластин қўмондонлиги раҳбарлигининг вакили айтишича, «Ал-Асифа» ташкилотининг партизан отряди 7 январь куни Исроил босиб олган Голан тепаликларидаги Таль Ал-Фарис ҳарбий қишлоғига ҳужум қилган. Исроил босқинчиларига катта зарар етказилган.

«Ас-Санқа» ташкилотининг бошқа бир отряди Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмидаги Ал-Карантин районида Исроилнинг бронеавтомобилини яксон қилди. Партизанлар ўз базаларига эсон-омон қайтиб келдилар. (ТАСС).

БАЗАЛАРНИ ТУГАТИШ БОШЛАНДИ

ТРИПОЛИ. Ливия пойтахти Триполидан 120 километр масофадаги Уотия деган шаҳарчада жойлашган Американинг собиқ ҳарбий базаси устида Ливия Араб Республикасининг байроғи кўтарилди. У ерда Американинг Уйлус Филд ҳарбий базасига тегишли бўлган полигонни ва ундаги иншоотларни Ливия Республикасининг расмий кишиларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ливия маъмурларига ана шу полигонни топшириш Ливия республикаси территориясидаги Американинг йирик ҳарбий ҳаво базаси Уйлус Филдни тугатиш тўғрисидаги битимни бажаришда биринчи босқичдир. (ТАСС).

XX АСР ВАҲШИЙЛАРИ

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Америка интервентлари тинч Сонгми қишлоғининг аҳолисини ўз қонига ғарқ қилганлиги ҳақидаги хабар бутун ер юзини айланиб чиқди.

АҚШ армияси формасини кийган солдатлар на қариларни, на хотин ва болаларни аямай, қишлоқ аҳолисини қириб ташладилар. Жуда озчиликка муддиш ўлимдан қочиб қутилиш насиб қилди.

Босқинчилар нинг Вьетнам далаларини оёқ ости қилаётганларига мана беш йил бўлди. Шу вақт ичида улар қанчадан - қанча қишлоқларни ер билан яксон қилдилар, саноқсиз қулбаларга ғам ва кўз ёши келтирдилар. Мингларб, ўн мингларб кишилар ўлди, мингларб гектар далалар напалм билан куйдирилди.

Аммо на террор, на ваҳшийларча ўч олишлар Вьетнам халқининг ғалабага бўлган иродасини бука олмади. Улар ўз ватанларининг озодлик ва мустақиллигини ҳимоя қилиш орзуси билан ёнмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: юқоридан чапда —«тирик мол» ўрнида боғланган Жанубий Вьетнам ватанпарварларини XX аср босқинчиси қатл ерига судрамоқда; ўнгда — фарзанди напалм билан куйган она қайғусининг поёни йўқ; пастдан ўнгда—онани болалари билан куйиб кул бўлган уйидан хайдаб чиқаришмоқда; чапда у кўриши, ўз жаллодининг юзига сўнгги сўзларини айтиши керак эмас.

(ТАСС фотохроникаси).

Бу икки дугона — Вазира Халимова ва Муҳайё Файзуллаевалар Тошкентдаги Охунбобоев номли медицина билим юртининг фармацевтика бўлимини битириб, 141-дорихонада дори тайёрловчи ассистент бўлиб ишламоқда.

Дорихона номига ёзилган қатор ташаккур хатларида уларнинг ҳам ҳиссаси бор.

М. Шоиноғомов фотолари.

● *Бу китобни ўқинг*

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Бундан икки-уч йил илгари китобхонлар ижтимоий фанларга оид баъзи адабиётлар камлиги туфайли бир мунча қийинчиликларга дуч келардилар. Кейинги пайтларда бу фанларга анча аҳамият берилиб, қатор қўлланмалар нашр қилинди. Ўтган йили республикамиз атоқли олимларининг бир группаси иштирокида нашрга тайёрланган «Марксча-ленинча философия» курси «Фан» нашриёти томонидан нашр этилганди. Бу йил эса китоб ихлосмандлари яна бир зарур қўлланмани олишга муяссар бўлдилар.

Мазкур қўлланма яқинда «Илмий коммунизм» номи билан «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. Республикамизнинг бир қатор таниқли олимлари томонидан нашрга тайёрланган ушбу тўплам китобхонлар оммасининг бу борадаги эҳтиёжини қондиради.

Асарни яратишда профессорлардан М. Ғ. Ваҳобов, В. Я. Непомнин, доцентлардан В. Ш. Бағдасаров, Р. Норжигитов, К. С. Содиқов ва бошқа олимлар муносиб хизмат кўрсатдилар.

Асар илмий коммунизмнинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари, ҳозирги давр ва жаҳон революцион процесси, социализмнинг жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи фактор га айланиши каби бир қатор илмий коммунизмнинг асосий масалаларига оид билимларни ўзида камраб олган ва улар тўғрисида илмий муфассал фикрларни баён қилиб беради.

С. ПЎЛАТОВ.

Адабиёт ва санъат

●Ленин ҳақида қўшиқлар

НОМИНГ БОР СЕНИНГ

Доҳий Ленин ҳар қўйиқ суҳбатда номинг бор сенинг,
Эл қозонган шавкату-шуҳратда номинг бор сенинг.
Нега роҳат бахш этар ҳар дам ҳалол қилган иши,
Чунки наслинг айлаган меҳнатда номинг бор сенинг.
Тўй ғўзал, суҳбат ширин тенгсиз чиройликким замон,
Чунки ҳар бир расму, ҳар одатда номинг бор сенинг.
Номимиз етгай фалак Зуҳросига у завқ ила,
Кўзга суртар ҳам ўпар бу хатда номинг бор сенинг.
Тўхтамоқ, толмоқ йўлингда эл учун номус-у, ор,
Қалбида ҳар лаҳза, ҳар соатда номинг бор сенинг.
Барҳаётсан, барҳаётсан, барҳаётсан, барҳаёт,
Неча минг йил ўтса ҳам, албатта, номинг бор сенинг.
Сен билан бирга яшар дунёда Чустий шеъри ҳам,
Чунки бу илҳому бу санъатда номинг бор сенинг.

БИР ДАСТИЁРИНГДАН ҚУЁШ

Нур олур ҳар субҳидам равшан диёрингдан қуёш,
Кўз узолмайдур ажойиб навбаҳорингдан қуёш.
Мўътабар бўлди замин суртиб кўзига изларинг,
Боши кўкка етди айлангач мазорингдан қуёш.
Биз Ватанда жону-дил бирлан қилурмиз хизматинг
Кўкда хизмат қилгучи бир дастиёрингдан қуёш.
Бошимизда парпирар сонсиз Қизил байроқларинг,
Лолалар тақмоқда шундай лолазорингдан қуёш.
Нақш этиб осмонга ҳам зийнат беришни машқ этар,
Бу ҳунарни ўрганиб ҳар ўймакорингдан қуёш.
Зийналар қурди «оқ олтин»дан фалак тоғигача,
Кўрди бундай мўъжизотни пахтакорингдан қуёш.
Кўксига Ленин нишон тақмоқ умидида чиқиб,
Эл билан бир сафда турган номдорингдан қуёш.
Сайр этишни Чустийдек бахту саодат кўкида
Урганур ҳар лаҳза ҳар бир бахтиёрингдан қуёш.

ЧУСТИЙ.

ТУТ ЭККАНДА

Тут экдим.
Қўшнилар дедилар:
— Аттанг?
— Ҳеч кимга вафоси
бўлмас бу тутнинг.
— Ҳузурин кўражак
колхознинг қурти.
— Ҳар баҳор шовуллаб,
Бўлганда башанг,
Деҳқонлар келишиб,
Қирқиб кетишар.
— Бир барг ҳам
қолдирмай,
Қириб кетишар.
— Болалар қолишар
кўзлари ўйнаб.
Тут эксанг,
Эккин-да ҳосилни ўйлаб.
Мен дедим:
— Ҳей дўстлар,
Бунча нолиманг.
Тут эксам,
Тентак деб,
Бўлманг ҳангу манг.
Сизлар ҳам биттадан
эксангиз ниҳол,
Тутзорлар бўларди ғуж
ва бемалол.
Кўп эксак,
Боғ қилсак,
Аввал қурт тўяр.
Ишласак, қурт тўйса,
Кейин юрт тўяр.
Ҳар киши тут экса,
Бари кесилмас.
Ярми кесилса ҳам унча
сезилмас.
Болалар қолишмас
кўзлари ўйнаб.
Шохма-шох чирмашиб,
Ўзлари ўйнаб,
Боғимиз ҳосилин еса
ажабмас.
— Оҳ, ширин!
— Оҳ, ширин! —
Деса ажабмас.

●

РЎДАПО

Йўл устида ётар катта
тош,
Ўтганларни қоқар оёқдан.
Қолқилганлар дерки:
— Эй бебош,
Келиб қолдинг қачон,
қаёқдан?!
Кўп қоқилиб,
Тошни дамо-дам
Сўкиб ўтар бутун аҳоли.
Аммо бу тошни
Келтирган одам
Сўкишлардан қоларди
ҳоли.

АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚ

Интилганга толе ёр

Ана, ниҳоят, тинкаси қуриган Конфет Ёлғоннинг кўзини шамғалат қилиб, тап этиб йўлга ўтириб олди. Залда кулги, қарсаклар...

Бу болалар шоири Пўлат Мўмин қаламига мансуб бўлган «Конфетвой» эртак-пьесасидаги бош қаҳрамон Конфетвой ролини моҳирона ижро этиб, болаларга завқ бераётган ёш артист Ҳайрулла Саъдиевдир.

Ҳайрулла мактабда ўқиб юрганидаёқ, драм тўгаракларда актив иштирок этарди. Кейин эса тажрибали устозлари ЎзССР халқ артистлари Тошхўжа Хўжаев ва Қудрат Хўжаевлар қўлида таҳсил кўра бошлади.

Хайрулланинг диплом иши «Океандан етти фарёд» спектаклидаги Монако исмли шўх бола образи аъло баҳоланди.

1963 йили тақсимот комиссияси ёш актёрни Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрига йўллади. Ёш актёр театрда мустақил ижод босқичларини ўтабошлади. У Абдулла («Абдулла Набиев»), Климка («Пўлат қандай тобланди»), Борис («Революция номи билан»), Миша («Тошкент — нон шаҳри»), маслаҳатчи («Кичкина деманг бизни») каби ҳар хил характердаги образларни ўзига хос йўл билан ижро этди.

Ҳайрулла ижросидаги ҳар бир роль ўзининг йўналиши ва оҳанги билан бир-биридан ажралиб туради. Грузин драматурги Г. Нахуцришвилининг «Кичкина деманг бизни» эртак-комедиясидаги Баҳ-баҳ девнинг таъмагир, ўзича устамон маслаҳатчиси қаёқда-ю, баъзи инжиқ кичкинтойлар қилиғига ўхшаш Конфетвой қаёқда.

Актёр ўз қаҳрамонининг моҳиятини очишда кўпроқ характеридан келиб чиқади. Унинг саҳнадаги хатти-ҳаракатлари, гапиришлари оддий бўлиб турсада, беихтиёр киши қалбига етиб боради. Ё уларни астойдил ачинтиради, ё тўғрисини айтганда кўпроқ кулдиради.

Х. Саъдиев телетомошабинларимизга ҳам кўпдан бери таниш бўлиб қолди.

Актёр ижодий ўсишида театр коллективининг тажрибали етакчи артистларидан айниқса ЎзССР халқ артист. К. Хонкелдиев, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар О. Толипов, М. Ҳамидова, М. Йўлдошева, Б. Нурмуҳамедовларнинг хизмати катта.

Ёш актёрнинг келажаги ҳали олдинда. Изланиб, маҳорат сирларини янада чарҳлаб, устозларга ёндошса ижод довонларидан ўтиши аниқ.

Адиба НОСИРОВА.

«Мосфильм» киностудияси коллективи «Соқов ва муҳаббат» номли фильмини экранлаштирди.
Бу фильмни шаҳримиз экранларида ҳам томоша қилишингиз мумкин.
В. А. Баулина фотоси.

МУҲАББАТ ТОНГИ

Яна ёмғир ёғар...
Яна тонг отар,
Марварид томчилар
чертар деразам,
Ташқарида кимдир қўлга
олиб тор,
Куйлайди...
Куйнга дил рози ҳамдам-
Тарновлардан оқар мусиқа назми, —
Томлар чилдирма-ю,
Раққоса гуллар...
Авжига чиқади баҳорнинг
базми,
Сарҳуш ўйларимга,
Кулгу уланар.
Ёмғирли боғларга
туташар йўлим,
Пойимда энтикиб ётар
хнёбон.
Шу пайт кимдир шошиб
Туттандай қўлим...
Кўнгилда соғинчим
бошлайди исён.
Соғинчим йўқлади наҳот
сезмадинг,
Чанқоқ кўзларимнинг
Умид сарвари.
Соғинчим соғиниб наҳот
кезмадинг,
Соғинчим йўқлайди.
Сени сарсари.
Яна ёмғир ёғар...
Яна тонг отар,
Деразам чертади
марварид томчи.
Дақиқалар сайин олам
ёшарар,
Ёришиб бормоқда.
Муҳаббат тонги...

Тўлаган ТУХТАЕВ.

Узоқни ўйловчи

ҲИКОЯ

Бурҳон ҒАНИ

Мен янги ишчи эдим. Шунга қарамасдан идорамиз ҳисобот мажлисида сўзга чиқишимни таклиф қилдилар. Мен идора хўжалик мудири ва фаррошдан бўлак кишини яхши танимаганлигим сабабли, сўзимни бевосита шуларни танқид қилиш билан бошладим.

—Ўртоқлар, дўстлар, — дедим дабдабали овоз билан, ҳамма ҳам ўз вазифасини виждон билан ижро этмас экан. Камчиликлар билан муроса қилишимиз сизу бизга кечирилмайдиган ҳол бўлиши керак. Ҳа, гуноҳ бўлиши керак. Масалан, фаррошимиз Маҳамадамин акани олайлик. Бу киши охирги икки-уч ҳафта ичида ўз фаолиятини бўшаштириб, илгаригига нисбатан эътиборсизлик билан қараб келяптилар. Мана, исботи учун бир мисол, кеча бу аканинг эътиборсизлигидан болалар ўнинчи кабинетнинг деразасини уриб синдирипти. Хўжалик мудири Азимқул ҳам бепарво бўлиб қолган. Баъзан бирон ишимиз тушса, бу кишини ҳеч топиб бўлмайди. Баъзан эса ўтинсиз лампочкасиз қолишимизга ҳам шу сабаб бўляпти.

Ҳозир бўлганлар менинг чиқишимни олқиш билан қарши олдилар. Шу аснода кўзим министрликдан вакил бўлиб келган кишига тушди. У менга томон иссиқ-иссиқ нигоҳ ташлаб сўзларимни маъқуллагандек бош силкитарди. Хаёлимда директоримиз ҳам вакил фикрига рози эди. У ҳам мендан кўзини узмас, «лаёқатли кадр» деяётгандек эди.

Мендан кейин директоримиз ўринбосари сўз олди. Инспекторимиз ўртоқ Ходиев айтганларидай, у ҳам гапини фаррош ва хўжалик мудирини танқид қилишдан бошлади.

Ўртоқ Ходиев айтганларидек, бошқа нотиқ ҳам яна фаррошу хўжалик мудирини тилга олди.

Ўртоқ Ходиев тўғри айтдилар, деб учинчи нотиқ ҳам сўзини шундан бошлади.

—Мен ҳам Ходиев айтган гапларга тарафдорман, —томоғини қириб деди тўртинчи нотиқ.

Шундай қилиб, ҳамма чиқишларнинг кириш қисмида менинг номимни тилга олиб, хўжалик мудирию, фаррошни қаттиқ танқид қилдилар. Мажлис қарорида ҳам менинг номим бир неча жойда тилга олинган эди.

Янги ҳайъатни сайлаш пайти келганда мени бўлим мудирлигига сайладилар.

Иккинчи йили ҳисобот мажлисининг асосий музокарачиларидан бири яна мен бўлдим.

—Ўртоқлар, —дедим мажлис аҳлига юзланиб, — шахсан менинг ўзим баъзи камчиликларга чидай олмайман. Ўз вазифасига панжа орасидан қарайдиган кишилар билан муроса қилишни виждоним кўтармайди. Масалан, идорамиз фарроши Маҳамадамин акани олайлик. Ўтган йили у кишининг эътиборсизлиги оқибатида болалар деразаларни синдирган эди. Бу йил ҳам у киши ишларига совуққонлик билан қараяптилар. Бу кишининг боқибеғамлигидан ҳатто латтаю супургилар ҳам йўқолиб кетган. Хўжалик мудири бўлса, булар устидан назорат қилишни сусайтирган. Ҳатто синган лампочкаларни ҳам ҳисобга олмайди.

Ҳозир бўлганлар бу сафар ҳам менинг чиқишимни завқ билан тингладилар. Яна ўша министрлик вакили мендан кўз узмасди, табассум қиларди. Директоримиз ҳам мен томонга қараб бетиним бош қимирлатарди. Бошқа музокарачилар ҳам сўзга чиқдилар.

—Ўртоқ Ходиев айтганларидек, — деди мендан кейин сўзга чиққан нотиқ.

—Ўртоқ Ходиев дуруст таъкидладилар, — деб гап бошлади иккинчи нотиқ.

—Яхши қайд қилдилар, — деб мени назарда тутиб сўз олди янги ишга келган ишчиларимиздан бири.

—Мен ҳам ўртоқ Ходиев айтган фикрларга қўшиламан.

Нима дейсизки, мени иккинчи сайловда директор ўринбосари даражасига кўтардилар.

Учинчи йили сайлов мажлисида сўзга чиқиб «баъзилар бундай қиладилар, баъзилар ундай қиладилар» деб умумий тарзда гапирдим. Бошқа музокарачилар яна менинг чиқишимни асос қилиб олиб кетма-кет минбарга чиқавердилар.

—Ўртоқ Ходиев тўғри айтдилар, баъзилар...

—Ҳақиқатан ҳам яхши қайд қиладиларки, баъзилар...

—Баъзилар ўз ишига бепарво қараб...

Хаёлимда ўша куни катталар кайфияти ўзгарган эди. Министрлик вакили мен томонга қовоқ солиб назар ташларди. Директоримиз менга бақрайиб-бақрайиб тикиларди.

Янги ҳайъат сайланаётганда мени яна ўша илгариги вазифамга туширдилар. Чунки ўша мен «баъзилар» деганимни баъзилар бошқача тушунибдилар, ваҳолонки, мен «баъзилар» деб яна ўша фаррош билан хўжалик мудирини назарга олган эдим.

Тожикчадан К. Шарофиддинов таржимаси.

ЖАВОБ

Р...га

Қаршимда икки гул—
Икки хил раъно;
Икки хил термулиш,
Икки хил маъно:
Бири —
Табиатнинг буюк
инъоми.
Хуш бўйин уфурса —
Жўшар илҳомим,
Ижодим париси,
Ҳаётдай, жонли,
Шеъримга кўмакдош,
Меҳнаткаш,
Шонли...
Бири —
Гар ҳуснда ортиқ
бўлса ҳам,
Қишда нақ тўйимга
тортиқ бўлса ҳам,
Муаттар ҳид сочмас,
Дил қилмас асир,
Қуруқ бир гўзаллик,
Совуқ,
Бетаъсир...
Не нафким,
Гул бўлса —
Ҳиди бўлмаса,
Не нафким,
Қиз бўлса —
Диди бўлмаса?!
Тортмаса дамо-дам
латофати-ла.
Ортмаса кўрганда уни
қувончинг;
Одоби,
Одати,
Дил бисоти-ла
Зебт этмаса борлиқ,
ишончинг...
Ошиқман
Ва аммо қоғоз
гулгамас,
Ҳидсиз гулгамас,
Ҳа,
Ўлик дилгамас!..

Ўлмас МУҲИДДИН.

БИРИНЧИ СИНОВ

Ҳаваскорлар ҳикояларига обзор

Ҳар бир қаламкашнинг адабиётга кириб келиши турлича бўлади. Биров биринчи асари биланоқ кўпчилик эътиборини тортади, бошқа бир ижодкор узоқ йиллар изланишда давом этади. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам чинакам ижодкор бўламан деган қиш-ҳар томонлама мукаммал ва пухта деб ишонган асарини ўқувчига тақдим қилиши маъқул.

Қаламкашларнинг адабиётга кириб келиши ҳақида тарихда қизиқ-қизиқ фактлар кўп. Устоз Лутфий Навоийнинг болаликда ёзган битта байтига бутун ижодини алишишга тайёр бўлган, Лермонтовнинг 14 ёшида ёзган «Тиламчи» шеъри унинг энг яхши асарларидан бири ҳисобланади. Қизиғи шундаки, Шекспир биринчи сонетини ёши ўттизга бориб қолганда ёзган. Гоголь биринчи китоби ўтмаганидан кейин ҳамма кусхани сотиб олиб йўқотиб юборган.

Бу гапларнинг редакциямизга ўз асарларини юбораётган қаламкашларга даҳли борми? Шубҳасиз, келгусида чинакам ёзувчи бўламан деб орзу қилаётганларга даҳли бор. Негаки, ёзувчи аввало ўз ишидан ҳеч қачон қониқмаслиги керак. Шундагина кўпчиликка манзур бўладиган бирон-бир нарса ёзиш мумкин.

Редакция адресига келаётган ҳикоялар орасида бирор умид туғдирадиган машқлар ҳам, ўқувчида ҳеч қандай таассурот қолдирмайдиган ёлғон-яшиқ нарсалар ҳам бор. Н. Мўминовнинг «Йиллар ва ўйлар», О. Абдураҳмоновнинг «Чинор», «Суҳбат», «Ҳикмат» ҳикояларида ҳаётни синчиклаб кузатиш, образли мушоҳада қилиш, ҳар бир қаҳрамонга маълум бир маънавий юк юклаш фазилатлари кўзга ташланади. Шунга қарамай уларни мингларча газетхонга тақдим этса бўладиган асарлар дейиш қийин. Бирида тилнинг мазаси бўлмаса, бошқасида қаҳрамон ҳолатига нолиш кучайтириб юборилган. Барибир, юқоридаги асарларда ҳар қалай умидбахш чўғ бор.

Энди яна бир ҳикояни дурустроқ муҳокама қилиб кўрайлик. Бу Л. Хайитматова билан М. Хайруллаевнинг «Адашган севги» деб номланган асари. Ҳар иккала муаллиф асарнинг тилига, маълум деталларга яхши эътибор беришган. Асар қаҳрамонлари худди ҳаётдагидек гаплашадилар. Муаллифлар қаҳрамон қиз Матлубанинг қизил гулли уй халати кийганини ҳам, эшик тирқишидан мўралаб йўлакда турган йигитнинг холатини кузатганини ҳам аниқ топганлар. Ҳикояда бунга ўхшаш деталлар бор. Аммо асар мантиқининг ўзи бузилган.

Ҳикоянинг қисқача мазмуни шундай. Матлубага дугонаси Мастура бир йигитни таништиради. Матлуба уни севиб қолади. Кейин йигит практикага кетади. Орадан бир икки ой ўтади. Хат келмайди. Бир куни Мастура Матлубага Баҳодирнинг бевафо эканлигини, ўша ерда уйланганини айтади. Матлуба эса қаттиқ изтиробга тушади, армиядан янги қайтган синфдоши билан таниши, бир ой ўтмай турмушга чиқади. Ана холос! Матлубадек ўқимишли, оқила қиз наҳотки шундай енгилтаклик қилса? Орадан кўп ўтмай Баҳодир практикадан қайтади ва Матлубани эски жойидан — студентлар ётоқхонасидан топади. Муаллифлар турмушга чиққан қиз нимага ётоқхонада яшашини ўйламайдилар. Қолаверса Мастуранинг гаплари туҳмат экан. Баҳодир Матлубага кун ора хат ёзиб турган экан. Мастура уларни олиб йиртиб ташлар экан. Хўш, Мастура нимага тўсатдан тўнини тескари кийиб олди. Ахир, унинг ўзи икковларини таништириб қўйган эди-ку. Муаллифлар бунга ҳам эътибор бермайдилар. Шу тариқа яхшигина бошланган ҳикоя ёлғон билан тугайди. М. Мамадалиевнинг «Янги меҳмон», У. Хонбобоевнинг «Тундаги учрашув», М. Эгамбердиевнинг «Кўзларимиз учрашар ҳамон», Т. Абдужалилованинг «Янглишув», М. Валихоннинг «Кўнглим сендадир» ҳикояларида ҳам мантиқ ипи бақувват эмас.

И. Ғаффоров «Акамнинг уйида» деган ҳикоясини ёзаётганида мақсади нима эканлигини ўзи ҳам билмаган. Студент йигит каникулга кетаётиб акасининг уйига кириб боради. Уйда ҳеч ким йўқ экан. У бир қадаҳ коньяк ичиб ухлаб қолади. Бирдан тўс-тўполон бўлиб кетади. Маълум бўлишича акаси уйни сотиб кетган экан. Ҳозир бу уй бировники экан. Хўш автор нима демоқчи? Демоқчи бўлган гапининг кимга фойдаси бор. Б. Сатторовнинг «Мен уни кўрдим», Х. Дурдиевнинг «Шилқим», П. Дўстмаматовнинг «Қирғий ва каклик» Х. Абдулфаттоевнинг «Ғурур», Х. Усмоновнинг «Беш минутка», А. Ҳошимовнинг «Туз» ҳикоялари ҳам фойдаланишга яроқсиздир.

Шунингдек, редакцияга турли таржималар юборяётган Х. Бозоров, Э. Эргашев, М. Мансуров, М. Валихонов, Р. Абидева, И. Бекжонов, М. Нишонова, Э. Усмонов каби муаллифлар ҳам беихтиёр кулги уйготадиган ҳажвия ва интермедиялар топиб муваффақиятли таржима қилишса яхши бўлар эди.

Биринчи асарни ёзиш ҳамиша завқли, аммо ҳамиша қийин бўлади. Негаки, у муаллифни адабиёт даргоҳига олиб киради, мингларча ўқувчиларга юзма-юз қилиб қўяди. Шундай экан, ҳар бир қаламкаш редакцияга ўз асарини юборишдан олдин чуқурроқ ўйлаб кўрса фақат ўзига фойда.

ТОНГ ЯҚИН

Тонг яқин...
Мен ҳамон уйғоқмон, уйғоқ.
Кўзимнинг олдида яқину йироқ,
Вужудимда бир ҳис югуриб-елиб
«Тонг яқин, — дейди у, — бўлақол ўртоқ!»...
Наздимда ҳар тонгда кўкнинг қуёши,
Бу тонг — Ленин тонги деб порлагандай.
Ҳам борлиқ, ҳам юртнинг кекса-ю ёши,
Шу кунни қутлашга тайёрлангандай.
Менда-чи, шу кунни қутлашим учун,
Қандайин туҳфам бор — чиқайин олиб?
Лойиқ бир ҳадяни тополмай шунга
Қийналар виждоним — хаёлда толиб.
Бахтим бўлиб кулган шу тонг-ку ахир!
Шу тонгда топганман ўзлигимни мен.
Оёғимдан кишан, қўлимдан занжир —
Узилган табаррук тонг эрур шу кун.
Шу тонг-ла хўжайин фазода Инсон,
Коммуна деб ҳар тонг ташланар одим.
Чўлларга қон, элга берган ҳар имкон —
Шу тонгни улуғлаб байтимга солдим.

Очил РАВШАН ўғли,
колхозчи шоир.
Самарқанд.

АЁЗНИНГ ТУШИ

Эҳ, қишнинг аёзи изғийди,
Заҳрини сочар у атрофга,
Гоҳида эриниб мизғийди,
Ястаниб тўшаги — оқ қорга.
Зураяр шўрликнинг мудроғи,
Шу куйи туш кўрар бечора.
Жимгина эрирмиш оқ қори,
Қўлидан келмасмиш ҳеч чора.
Чираниб келмасмиш ҳушига,
Оқ қори сув бўлиб елармиш.
Баҳорни кўрармиш тушида.
Ҳолига майсалар кулармиш.
Эҳ, қишнинг аёзи — бечора
Шу куйи туш кўрар, йўқ чора...

ОТАЁР.

У МЕНИ КУТАРМИШ...

(С. Капутикянга ўхшатма)

У мени кутармиш, мен эса зинҳор
Ҳаёлга олмасман унинг номини,
Чиқса-да йўлимга интизор нигор.
Шодлик-ла тўлатмам кўнгил жоминн.
Чимрилган қалам қоши,
Қадди дол, эгик боши,
Тугаса-да бардоши,
Мен лоқайд-заҳар оши.
Чунки ҳадя этдим қалбим бировга,
Ёди билан ўтар тонгим-оқшомим.
Зарра йўқ оромим, бошда минг ғавғо,
Лекин, у ҳам олмас хаёлга номим.

Маҳкам МАҲМУДОВ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Зокир Иноғомов 50 ёшга тўлди.

СУРАТДА: унинг «Чойга» деб номланган суратини кўриб турибсиз.

Брянскда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига шаҳар типидаги кўргазма очилди. Кўргазма юбилей йилида қўлга киритилган ютуқлар, социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, коммунистик меҳнат бригадаларининг ижодий фаолиятлари ҳикоя қилинади.

СУРАТДА: кўргазма залларидан бири акс эттирилган.

И. Рабинов фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

1970 ЙИЛГИ ФУТБОЛ УФҚЛАРИ

⊙ЯНГИ СИСТЕМА МАЪҚУЛМИ?
⊙ИШҚИБОЗЛАРНИНГ ЎЙЛАРИ
⊙15 МАРТДА ФУТБОЛ «ЖАНГ»лари БОШЛАНАДИ

Ҳадемай яшил футбол майдонларида қизғин спорт курашлари, стадионларда ишқибозлар гурунги, тортишувлари бошланади. 1970 йил — улкан спорт байрамлари, халқаро мусобақалар, футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинлари ўтказиладиган йил сифатида ҳам спорт солномасидан ўрин олади.

Ҳаммадан ҳам футболга кўнгил қўйганларнинг омади келадиган бўлди. 31 майда Мексикада жаҳон чемпионати ўйинлари бошланади. Мухлислар бу кунни жуда орзиқиб кутмоқдалар. Бундан ташқари бу йилги XXXII футбол чемпионатининг ҳам қизиқарли, ҳаяжонли бўлиши сезиляпти. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт Комитети футбол бош қармаси ҳамда СССР футбол федерацияси 1970 йилги мамлакат чемпионатининг ўтказилиши қоидалари юзасидан таклифларини тасдиқлади.

Маълумки, ўтган йили «Советский спорт» газетаси «1970 йилги футбол қандай бўлиши керак» деган мавзуда мунозара бошлаган эди. Бу мунозарада жуда кўп спорт ишқибозлари ўз таклифлари билан газета саҳифасида қатнашиб, 1970 йилги футбол чемпионати ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган эди. Уларнинг кўпчилиги «А» класси командаларининг олий лига, биринчи-ўтказув ва иккинчи группаларда беллашишлари лозимлиги ҳақида кўпроқ гапиришган эди.

Футбол бошқармаси ва СССР футбол федерацияси ишқибозларнинг ана шу таклифларини инобатга олиб, «А» классидаги командалар уч группада — олий, биринчи ва иккинчи группада мусобақалар ўтказишини лозим деб топди.

Хўш, футбол биринчилигидаги бу янгиликни қандай тушуниш керак? Командалар қай тарзда группаларга бўлинади? Қайси команда олий лига билан хайрлашади-ю, қайси команда унга йўлланма олади? Футбол ишқибозларидан редакцияга келаётган кўплаб мактубларда ана шундай саволлар берилади.

Олий группада 17 команда беллашади. Хўш, бу коллективлар кимлар? Булар— 1969 йилдаги чемпионатда 1—16 ўринларни эгаллаган: «Спартак» (Москва), «Динамо» (Киев), «Динамо» (Тбилиси), «Динамо» (Москва), «Торпедо» (Москва), ЦСКА, «Нефтчи» (Бокў), «Черноморец» (Одесса), «Зенит» (Ленинград), «Шахтёр» (Донецк), «Заря» (Ворошилов град), СКА (Ростов-Дон), «Динамо» (Минск), «Торпедо» (Кутаиси), «Арарат» (Ереван), «Пахтакор» (Тошкент) ҳамда «А» класси иккинчи группа ғолиби «Спартак» (Оржоникидзе) командаларидир.

1970 йилда олий группада 15—16—17-ўринларни эгаллаган командалар 1971 йилда «А» классининг биринчи группасига тушадилар. Кейинги йилларда эса, ана шу биринчи группага олий группада охирги икки ўринни эгаллаган командалар ўтади.

СССР биринчилиги учун 1969 йилда эришган кўрсаткичларига қараб «А» классининг биринчи группасига қуйидаги командалар киритилди: «Қайрат» (Олмаота), «Локомотив» (Москва), «Крилья Советов» (Куйбишев), «Уралмаш» (Свердловск), «Динамо» (Ленинград), «СКА» (Хабаровск), «Днепр» (Днепропетровск), «Жальгирис» (Вильнюс), «Кубань» (Краснодар), «Рубин» (Қозон), «СКА» (Киев), «Шахтёр» (Қарағанда), «Текстильщик» (Иваново), «Волгарь» (Астрахань) «Металлист» (Харьков), «Локомотив» (Тбилиси), ўтган йили СССР кубогини олган «Карпати» (Львов), шунингдек, «Энергетик» (Душанба), «Строитель» (Ашхобод), «Молдова» (Кишинев), «Олга» (Фрунзе) ва «Даугава» (Рига).

1971 йилда ана шу командаларнинг ғолибларидан иккитаси «А» классининг олий группасига чиқади.

Иккинчи группа командаларининг составы кейинроқ эълон қилинади. Барча группалардаги ўйинлар икки даврада ўтказилади. Биринчи группа командалари ўйинлари 5 апрелдан бошланади.

Футбол ҳақидаги гаплар ҳозирча ана шулар. Бироқ, ишқибозларнинг яна боши қотиб қолди. Улар янгича система ҳақида ўйлашяпти. Давраларда шу хусусда яна мунозаралар бошланиб кетди. «Ашаддий» футбол ишқибозларига «1970 йилги ўйинлар ҳақида олдиндан нима дея оласиз» деган савол билан мурожаат этдик. Мана уларнинг жавоблари.

ЎРИНБОСАР КЕРАК

Қорабой МИРЗААҲМЕДОВ,
111-мактабнинг боғбони.

—Бу йилги ўйин худди ўтган йилгидек жуда оғир ўтади. Чунки, яна 3 команда олий лига билан хайрлашиши керак. Шунинг учун ҳар бир команданинг бутун имкониятини ишга солиши табиий.

«Пахтакор» эса танти команда. У ҳар қандай команданинг курагини ерга теккиза олади. Бироқ... командада ўринбосарлар масаласи ҳал қилиниши керак. Бусиз чемпионатда яхши ўринларни эгаллаб бўлмайди.

ФУТБОЛГА ИШҚИМ ТУШГАН

Абдураҳим МАВЛОНОВ,
«Ўзбекфильм» киностудияси дубляж секторининг бошлиғи.

—1934 йилдан бери футболга кўнгил берганман. 36 йилдирки, футбол шайдосиман. Менимча, футбол бирончилигидаги бу йилги система ёмон эмас. Айниқса, биринчи группанинг ташкил этилганлиги унда қатнашадиган командаларнинг ўйинларига қизиқишни кучайтиради. Ахир, 2 ғолиб команда келаси йили олий лигага ўтади-да. «Пахтакор»га келсак, ундан умидим катта. Командамиз камида 10-ўринни эгаллайди. СССР терма командаси ҳақида шуни айтишим мумкин: Совет футболчилари Мексика чемпионатида яхши қатнашиб, мукофот эгаси бўлишади.

ИШҚИБОЗГА ОСОН ТУТМАНГ

Баҳодир СОИПОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти.

—Мен анча ташвишга тушиб қолдим. Нега дейсизми? Яна 3 команданинг олий лига билан хайрлашиши масаласи мени ўйлантириб қўйди. «Пахтакор» ҳақида, унинг тақдири тўғрисида ўйлаяпман. Ўзингиз ўйланг, 1968, 1969 йилларда командамиз фақат мусобақа жадвалининг паст томонида — «хавфли» зонада юрди. Мен, ўзбек футболчиларининг бу йил ана шу «касаллик»дан қутулишини чин юракдан истайман. Ахир, ишқибозлик қийин нарса. Севимли команданг муваффақиятсиз қатнашаверса, руҳинг тушиб кетади...

* * *

Ана шундай гаплар. Келинг, яна озроқ сабр қилайлик. Ўйинлар бошлансин, командаларни кўрайлик. Шунда яна бирор фикрга келармиз.

С. ЁҚУБОВ.
Суратларда: Дарвозабон маҳоратини кўрсатди.

Пахтакор командасининг Тбилиси футболчилари билан учрашув пайти.
Н. Надеждин фотолари.

ЁШ МУШКЕТЁРЛАР

Марказий «Пахтакор» стадионининг спорт залида Ўзбекистоннинг шахсий команда биринчилиги бўлиб ўтяпти. Бу биринчилик ёшлар ўртасида бўлиб, 100 дан ортиқ спортчи қатнашмоқда.

Бу мусобақада «Буревестник» спорт жамиятининг қизлар командаси рапирадан ғолиб чиқишди. Шахсий ҳисобда совринли ўринни қуйидаги спортчилар эгаллашди: Н. Николаева («Буревестник»), Н. Лапина («Меҳнат»), ва Н. Гараева («Буревестник»)лардир.

У. ШОҲАФИЗОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

13 ЯНВАРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси эстрада оркестрининг концерти. **9.30** Ғ. Қодиров. Иккинчи сюита. **10.10** СССР халқларининг куйлари. **10.30** Чолғу куйлари. **11.15** «Институт ва лабораториялар» (ўзбекча). **11.30** «Зарафшон қизи» музикали драмасидан парчалар. **13.30** Совет эстрадаси артистларининг концерти. **15.15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). **15.30** «Ҳаётга муҳаббат» радиокомпозицияси (ўзбекча). **16.10** «Музика нима ва уни қандай тушуниш керак?». Музикали эшиттириш (ўзбекча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Механизаторлар — ленинча меҳнат вахтасида» (русча). **18.10** С. Юдаков. «Ленин хотираси» номли поэмаси. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Охунбобоев номидаги Андижон область театри артистларининг концерти. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** «Ленинпома» программаси (русча). **21.30** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Енгил куйлар. **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. М. Ю. Лермонтов шеърлари (ўзбекча). **23.15** «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 П. И. Чайковский асарларидан концерт. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Ғ. Ғулом ҳикоялари (ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Ильич шундай васият қилган эди». Молдавия радиосининг эшиттириши (русча). **21.00** Ғ. Жабборов. «Бир ўрим соч» радионовелласи (ўзбекча). **21.40** Москва. Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 А. Чаковский. «Узоқ юлдуз шуъласи». Радиопостановка (ўзбекча). **15.30** «Горький ҳаётида ва ижодида музика» деган суҳбат.

19.00 В. Биков. «Альп балладаси» (русча).

12 ЯНВАРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «70-йил марралари» (русча). **18.10** Рус ҳазил қўшиқлари ва рақслари. **19.20** Ҳабибий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Енгил куйлар. **22.40** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш. **23.15** «Тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ф. Назаровнинг оркестр асарлари. **19.30** «Иттифоқчи республикалар музика маданияти». Композитор Э. Капп. **20.00** Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. Г. Седовнинг «Йўлда» деган очерки (тожикча). **20.20** Мақомлардан парчалар. **21.00** Р. Бернс. «Хушчаққак гадолар». Радиокомпозиция (ўзбекча). **21.40** Москва. Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Ҳ. Ғулом. «Сенга интиламан». Радиопостановка (русча).

Телевизор

12 ЯНВАРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатувлар программаси.

18.00 Ўқувчилар учун. «Она-Ватан» (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.30 Телевизион янгиликлар. **18.45** Совет Армияси жангчилари учун. «Қаҳрамонлик ва жасорат». **19.05** «Нейтрон фан сирларини очмоқда». Илмий-оммабоп фильм. **19.15** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бу ҳақда ўйлаб кўринг». **19.55** Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш олдидан. Барча совет муассасалари ходимларининг иши. **20.10** Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида: 20.15 Телевизион янгиликлар. **20.30** Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг концерти. **21.10** Оламда нима гап? **21.40** Бир актёр театри. Одил Қутуй. «Жўнатилмаган хатлар».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18.00 Юқори синф ўқувчилари учун. Эстетика асослари. «Санъат нима». **18.40** Ажойиботлар оламида. **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Янгиликлар. **20.15** Якунланаётган беш йиллик. **20.45** «Зангори экран» ҳафталиги. **21.00** Янгиликлар. **21.05** «Пионерия» телевизион агентлиги. Олмаота шаҳридан олиб кўрсатилади. **21.30** «Гаровга тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 10—11-сериялари. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга. **18.45** «Машъал» программаси. **19.15** Янгиликлар.

Тожик тилида: 19.30 Кино оламида. **21.00** Кечки эртак. **21.10** «В. И. Ленин тасвирий санъатда». **21.30** Оташин мисралар. **22.00** Янгиликлар. **22.15** Душанба кўрсатувларининг охири.

Кино

12 ЯНВАРДА

Эр-хотиннинг уруши... (2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» «ВОСТОК» (кечқурун).

Озод туғилган — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ушанинг қаллиғиман — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кечқурун).

Пистирма — НАВОИЙ НОМЛИ (кеч соат 7 ва 8 яримда).

Эрамиздан миллион йил илгари — «СПУТНИК» (кечқурун тоқ соатларда).

13 ЯНВАРДА

Эр-хотиннинг уруши... (2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ва кеч 8 яримда).

Озод туғилган — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва 3 да).

Ушанинг қаллиғиман — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Менинг ҳаётимсан — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз соат 2, 4 яримда ўзбек тилида), **Пистирма** (эрталаб соат 10 ярим, кундуз соат 12.10 минут, кеч 7 ва 8 яримда).

Эрамиздан миллион йил илгари — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун),

Манеж қироли — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 да).

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИНИНГ ҚОДИРИЯ СУВ ИНШООТИГА

5 разрядли слесар ва электр монтёрлар, водопроводчи инженерлар: инженер-механиклар, инженер теплотехниклар

КЕРАК

Лозим бўлганларга турар-жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 2 уй кадрлар бўлими.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА

В. Титов ва К. Миленко асари.
Х. Рузиматов таржимаси
«...ДОҒДА ҚОЛДИРИБ»
2 парда 7 кўринишли драма
Постановкачи режиссёр — В. И. РАДУН.
Рассом — С. М. ЗИЯМУҲАМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ГАЗ АППАРАТЛАРИ ЗАВОДИГА

план—иқтисод бўлими бошлиғи, катта иқтисодчи, машинистка, қозон операторлари, саноат ускуналарини тузатиш бўйича 3—5 разрядли слесарлар, ҳамма разряддаги металл бўйича токарлар ва штамповкачилар (меҳнат ҳақи-ишбай), **ёрдамчи ишчилар автоматчилар, фрезерчилар, асбоб цехи бошлиғининг ўринбосари, металларни совутиш бўйича катта технологлар, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича катта инженер, 1-категорияли инженер-конструктор, усталар; металларни совутиш буйича; темирчи—преслаш цехига, секретарь**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 83 уй, кадрлар бўлими (4, 13 14 трамвайлар, 3, 8, 10, 21, 48 автобусларнинг «ТашМИ бекати).

УЗЭНЕРГОСБЫТ

Ҳисоб китобчалари тугаётган абонентлардан уларни олиш учун Тошкент шаҳар, 1-Май кўчаси, 101 уйга абонент хизматига мурожаат қилишларини

СУРАЙДИ

ёки хат билан ва 33-78-60, 33-29-56, 3-90-02-41 телефон номерлари орқали адрес, фамилия ва абонент номерларини маълум қилишлари керак.

«Узэнергосбит»нинг абонент хизмати ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч 7 гача, шанба кунлари эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача ишлайди. Паст вольтли тармоқлар ва трансформаторларга Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси хизмат кўрсатишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

шунинг учун, шундай тармоқлар бузилганда ТАШГОРПЭСнинг тузатиш бюросига мурожаат қилинсин:

Ленин ва Ҳамза районларида турувчилар — Манжара кўчаси, 34-уй. Телефонлар: 91-08-67, 91-23-23;

Куйбишев ва Киров районининг бир қисми учун (Анҳор каналининг чап томони) — 1-Май кўчаси, 36 уй. Телефон № 33-49-44.

Октябрь ва Чилонзор районининг бир қисми (Бўсуғ каналининг ўнг томони), **ҳамда Киров районининг бир қисми** (Анҳор каналининг ўнг томони) — Фарҳод кўчаси, 89 уй. Телефонлар: 44-32-72, 44-09-40;

Чилонзор ва Фрунзе районлари учун — Пионерский кўчаси, 26-уй. Телефонлар 77-12-35, 77-00-80;

Сергели йўлдош шаҳри учун — Телефонлар: 5-64-07, 5-68-63.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

12 январь кеч соат 8 да студент ёшлар учун «Н. РИМСКИЙ-КОРСАКОВ» (туғилган кунининг 125 йиллигига) деган темада

6-АБОНЕМЕНТ БУЙИЧА

Биринчи концерт-лекция

ҚАТНАШАДИЛАР: Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг лауреати ЎЗБЕКИСТОН ССР **ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ**

Дирижёр Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ҚУВОНЧ УСМОНОВ
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ
ХОР КАПЕЛЛАСИ
Капелланинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
АБДУҚАҲҲОР СУЛТОНОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
БАҲРОМ МАВЛОНОВ
Республика конкурси лауреатлари Юсефа ВАСИЛЬЕВА, Марлис ЮНУСХАНОВ.
Солистлар: Анвар НАЗАРХОНОВ, Александр ЛЕУШКИН.
Концертмейстер — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
МАРИАННА ШАБАДАШ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИГА

бухгалтерлар, кассирлар, слесар-водопроводчилар, ўт ёқувчилар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

Тошкент Алоқа политехникуми томонидан **Мамадалиев Аҳмадали** номига берилган 489275 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН КАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ МАРКАЗИЙ ПРАВЛЕНИЯСИГА

катта бухгалтер-ревизор, техника назатуви бўйича катта инженер, инженер металлист, экспедитор

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 15 уй (7 троллейбус, 14, 27 автобусларнинг «Сут комбинати» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР НАШРИЁТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИ ЧЕК ЛАНМАГАН МИҚДОРДА КЛИШЕЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Заказларни қуйидаги адрес бўйича юборинг: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Справкалар учун телефон 33-50-75.

Тошкент политехника институтининг геология-қидирув факультети шу факультетнинг катта ўқитувчиси С. Х. Убайдуллаевга отаси
Хайрулла
УБАЙДУЛЛАЕВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 12 ЯНВАРЬ, 1970 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ.

ИНДЕКС 64579
НАШР 2699.
Р. 02133.